

12-мавзу. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ташкилий асослари.

Асосий саволлар:

1. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ва унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.
2. Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш тартиби.
3. Меҳнат муҳофазаси қоидалари ва талабларига ўқитиш тизими.
4. Меҳнат муҳофазасининг умумий иқтисодий масалалари.

Таянч сўз ва иборалар

Меҳнат муҳофазаси хизмати, йўриқнома, кириш йўриқномаси, иш жойидаги йўриқнома, режали йўриқнома, режадан ташқари йўриқнома, кундалик йўриқнома, бахтсиз ҳодиса, хавфли модда.

1. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ва унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасига кўра корхоналарда тегишли бўлим- “Меҳнат муҳофазаси хизмати” ташкил қилиниши белгилаб қўйилган. Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади. Ходимлар сони камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

Бу хизмат корхоналарда меҳнат хавфсизлиги бўйича тадбирларни тузиш, уларни жорий қилиш ва бажарилишини назорат қилиш мақсадида корхоналарнинг барча поғоналарида шартли равишда таркибий қисми сифатида киритилган эди. Ушбу хизматни бевосита шу корхонанинг бош раҳбари бошқаради ва бу хизматни ташкил этиш учун, унинг ёрдамчиси ва асосий мутасадди шахс сифатида, техника хавфсизлиги бўйича муҳандис тайинланади ва унга ҳамкорлик қилиш учун, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган муҳандис техник ходимлар, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўзлари сайлаган вакиллар жалб этилади.

Меҳнат хавфсизлиги хизматининг асосий вазифалари ишлаб чиқариш жараёнларида содир бўладиган захарланиш, бахтсиз ҳодисалар ва касбий касалликларни келтириб чиқарадиган сабабларини аниқлаш, бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш, бажарилишини таъминлаш, корхона маъмуриятининг ишчи ва хизматчиларга иш шароитларини яхшилаб бориши устидан назорат қилиб туриши, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосида меҳнат хавфсизлиги ва химоя воситаларини

доимий такомиллаштириш, меҳнат маданиятини ошириш, бахтсизликларни олдини олишга қаратилган ташкилий - техник ҳамда санитария - гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий қилишдан иборатдир. Хатарсиз иш жараёнларни ташкил этган раҳбар ходимларни моддий рағбатлантириш, интизомсиз, эгаллаб турган лавозими ва хизмат бурчига лоқайдлик билан қаровчи муҳандис техник шахсларни қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда жавобгарликка тортишга тавсия қилиш ҳуқуқлари берилган.

Вазирлар маҳкамасининг 7 ноябр 1994 йил 538-сонли қарорига кўра корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш давлат бошқарувиغا ўтказилди.

Вазирлар маҳкамасининг 16 феврал 1995 йил 58-сонли қарори билан Меҳнат вазирлиги қошида Меҳнатни Муҳофаза қилиш Бошқармаси тузилди. Унинг асосий вазифаси корхоналарда меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган барча ташкилий ва техникавий муаммоларни ўз вақтида ечилишини назорат қилиш ҳамда хавфсизлик мезонларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнида иштирок этиш вазифаси юклатилган.

Корхоналар маъмурияти ва муҳандис-техник ходимларнинг асосий вазифалари меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуи ҳамда “Хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари” билан белгиланади. Ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларини камайтириш ҳамда уларнинг олдини олишга оид меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни амалга ошириш, тадбирларига умумий раҳбарлик ҳамда бу ишга жавобгарлик корхона раҳбари унинг ўринбосари-бош муҳандис зиммасига юклатилади.

Корхона раҳбари:

-ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олувчи ташкилий техник тадбирларни режалаштиришга;

-ана шу тадбирлар учун ўз вақтида маблағ ажратишга ва уларни ўтказишга доир руйхатларни тасдиқлашга ҳамда меҳнат шароитини мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш учун ажратилган маблағнинг тўғри сарфланишини назорат қилиб боришга;

-меҳнат муҳофазасига доир жамоа шартномалари ва битимларининг бажарилишини таъминлашга;

-меҳнат ва дам олиш тартиби, аёллар ҳамда ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларга амал қилишга;

-касаба уюшмаси техник назоратчилари ва жамоатчи назоратчилар ҳамда маҳаллий касаба уюшмаси кўмитаси комиссиясининг меҳнат муҳофазасига доир буйруқларини бажаришга;

-ишлар ва касбларнинг айрим турлари учун хавфсизлик йўллари бўйича йўриқномаларни тасдиқлашга;

-ишчи-хизматчиларни ўз вақтида амалдаги меъёрларга мувофиқ коржома, махсус пойафзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари ва махсус озиқ-овқатлар билан таъминлашга мажбур.

Бош муҳандис:

-ҳамма цехлар ва бўлинмалар бошлиқларининг хавфсизлик йўллари ҳамда ишлаб чиқариш санитариясига доир қонун чиқарувчи меъёрлар ва қоидаларни бажаришларини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

-амалдаги хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш шароитига мувофиқ, касблар ва ишлар турлари бўйича хавфсиз ишлаш йўллари ҳамда усулларига доир йўриқномаларни ишлаб чиқаришга қўлланишига раҳбарлик қилиш;

-хавфсиз ишлаш усуллари, йўл-йўриқларини ўрганиш юзасидан ўқув ишлари олиб борилишини назорат қилиш;

-ишчиларнинг дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказилишини назорат қилиш;

-хавфсиз ишлаш усуллари оммавий тадбиқ қилиниши, хавфсизлик хоналарида маърузалар, суҳбатлар ўтказилиши, хавфсизлик йўллари оид плакатлар ва огоҳлантирувчи ёзувлар тайёрланишини назорат қилиш;

-касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитариясига оид ишларнинг ҳолатини текшириш ҳамда меҳнат муҳофазаси юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ишчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

-замонавий тузилишдаги тўсиқ техникаси, сермеҳнат жараёнларни автоматлаштириш, шамоллатиш ва санитария-маиший ускуналарни жорий этиш;

-меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш маданияти ва техник эстетика бўйича тажриба алмашиш ишига раҳбарлик қилиш;

-ишчиларга ўз вақтида сифатли коржома, махсус пойафзал ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари берилишини назорат қилиш;

-хавфсизлик йўллари, ишлаб чиқариш санитариясига доир амалдаги қоидаларга, касаба уюшмаси техник назоратчиси ва жамоатчи назоратчиларнинг меҳнат муҳофазасига доир буйруқларга амал қилинишини назорат этиш;

-белгиланган муддатларда ишлаб чиқаришда рўй берган шикастланиш тўғрисидаги ҳисоботларни, меҳнат шароитини соғламлаштиришга ажратилган маблағларнинг сарфланишини назорат қилади.

Бош механик, энергетик:

-бинолар иншоотлар, энерготизмлар, турли ускуналарни профилактик кўздан кечириш ва режа асосида тузатишларнинг тўғри ташкил этилиши ҳамда ўз вақтида ўтказилишига, шунингдек, тузатиш ишларининг хавфсиз бажарилишига;

-кранлар ва бошқа турдаги юк кўтариш механизмлари ҳамда дастгоҳлари, механик ускуналардан босим остида ишлайдиган бак, сув иситиш қозонлари, аппаратлар, идишлар ҳамда ускуналарни ўз вақтида техник текширувдан ўтказилишига;

-номенклатурадаги тадбирларга доир битимга мувофиқ меҳнат муҳофазасига оид ташкилий-техник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишига жавобгарлик;

-электр жиҳозлари, куч ва ёритиш электр тармоқлари, электр тақсимлаш ускуналари, яшиндан ҳимоялагичнинг соз ҳолатда бўлишини мунтазам назорат қилишга;

-шамоллатиш қурилмалари ва иситиш тизимларининг тегишли ҳолатда бўлишини назорат қилишга масъул.

Цех бошлиқлари, усталар:

-ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ҳамда меъёрларга амал қилишларини таминлашга, хавфли ва зарарли меҳнат шароити билан боғлиқ ишларни бажаришда эҳтиёткорлик чораларининг бажарилишини назорат қилишга;

-меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитариясига доир амалдаги қоидалар ҳамда меъёрларга мувофиқ, хавфсиз ишлаш йўллари ва усуллари юзасидан йўриқномалар ишлаб чиқаришда қатнашишга;

-барча ишчиларга хавфсиз ишлаш йўллари ва усулларини ўргатишга, шунингдек, ўз тасарруфидаги бўлинма ишчиларига хавфсизлик бўйича йўриқномалар беришга мажбур.

Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитариясига доир ишларни ташкил қилишга жавобгар бўлган **меҳнат муҳофазаси муҳандиси** зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

-бошланғич йўл-йўриқларни бериш;

-амалдаги қонунларнинг, вазирликлар ва идораларнинг қарорлари ҳамда фармойишларининг, шунингдек, хавфсизлик йўлларига доир қоида ва меъёрларнинг цехлар, бўлимлар раҳбарлари томонидан бажарилишини назорат қилиш;

-йўриқномалар ишлаб чиқишда қатнашиш ҳамда уларнинг тўғри қўлланилишини текшириш;

-буйруқ ва фармойишлар лойиҳаларини тайёрлаш;

-меҳнат шароитини яхшилашга доир тадбирлар ишлаб чиқиш, ташкилий-техник тадбирлар режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

-меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик йўлларига оид мукамал тўсиқлар ва сақловчи ускуналарни ишлаб чиқишда илмий-текшириш институтлари ва илғор корхоналарнинг шу соҳадаги таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишда қатнашиш;

-корхонани қишки ва ёзги шароитда ишлашга тайёрлаш тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

-жамоа шартномасида кўзда тутилган меҳнат шароитларини соғломлаштириш ва енгиллаштириш тадбирларини бажарилишини текшириш;

-бинолар, ускуналар, аппаратлар, ускуналарни қуриш, қайта қуриш, капитал тузатиш лойиҳаларини кўриб чиқувчи ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олувчи комиссияларда қатнашиш;

-ишчиларга йўл-йўриқ бериш ҳамда муҳандис-техник ходимлар ва ишчиларнинг хавфсизлик йўллари курсида ўқитилишини ташкил этиш;

-дастлабки ва даврий тиббий текширувларнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш;

-иш хоналаридаги кўринадиган жойларга меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитариясига доир амалдаги ҳамма қарорлар, қоида ва меъёрлардан бир нусхадан олиб қўйиш;

-хавфсизлик йўллари хоналарини жиҳозлаш, хавфсизлик йўлларига доир стендлар ташкил этиш, плакатлар ва огоҳлантирувчи ёзувларни осиб қўйиш;

-ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг рўй бериш сабабларини текширишда қатнашиш ҳамда уларни бартараф этиш, олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

-ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб ва қайд қилиб бориш, ишлаб чиқаришда шикастланишларни таҳлил қилиш;

-хавфсизлик йўллари ишларини яхши йўлга қўйган ходимларни тақдирлаш ҳамда хавфсизлик йўллари талаблари ва қоидаларини бузганларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисида корхона раҳбариятига таклифлар бериш.

Хавфсизлик ишлари бўйича муҳандис ушбу ҳуқуқларга эга:

-хавфсизлик йўллари талаблари ва қоидаларининг бузилишларини бартараф этиш ҳақида бўлинмалар, бўлимлар раҳбарларига кўрсатмалар бериш (бундай кўрсатмалар фақат корхона раҳбари ёки бош муҳандис (техник раҳбар) томонидан бекор қилиниши мумкин;)

-ишловчиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун яққол хавф пайдо бўлганда бўлимлар, дастгоҳлар ва ускуналарда ишлашни тақиқлаб қўйиш ёки тўхтатиш ҳамда бу ҳақда дарҳол корхона раҳбариятига маълум қилиш;

-хавфсизликни таъминлай олмайдиган, талабга жавоб бермайдиган ускуналар, асбоблар, мосламаларни фойдаланишдан чиқариб ташлаш чораларини кўриш;

-цехлар, бўлинмалар раҳбарларидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳодисаларни мунтазам равишда ҳисобга олиб боришни ва ўз вақтида текширишни талаб қилиш;

-ишлаб чиқариш бўлимининг раҳбари билан биргаликда, талаблар ва қоидаларни бузганларни вақтинча ишдан четлатиш.

Хавфсизлик йўллари бўйича муҳандис бевосита корxonанинг бошлиғи ва бош муҳандисга бўйсунди. У ўз ишини маҳаллий касаба уюшмаси кўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги саноат техник назоратчилари билан ҳамкорликда амалга оширади.

2. Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш тартиби.

Ишлаб чиқариш корxonаларида меҳнат муҳофазасига доир ишлар ташкилий-техник тадбирларнинг комплекс режаси асосида амалга оширилади. Бу тадбирларни корхона маъмурияти маҳаллий касаба уюшмаси кўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқади. Комплекс режа йиллик, беш йиллик ёки кўп йиллик режалардан ташкил топади. Бунда фан ва техниканинг меҳнат муҳофазаси соҳасида эришган ютуқлари ҳамда корxonанинг ривожланиш истиқболлари ҳисобга олинади. Ишнинг бажарилишини назорат қилиш хавфсизлик йўллари бўйича муҳандис

зиммасига, уни амалга оширишга жавобгарлик эса корхона цехлари, бўлимлари, бўлинмалари бошлиқлари зиммасига юклатилади. Махсус маблағни ва моддий таъминотни талаб қилувчи тадбирлар жамоа шартномасига илова қилинадиган режага киритилади. Жамоа шартномасини ҳар йили корхона раҳбари ишчи-хизматчилар номидан касаба уюшмаси кўмитаси билан тузади. Жамоа шартномасига киритилган меҳнат муҳофазасига доир тадбирларнинг бажарилишига ажратилган маблағлар ишлатиб бўлинганлиги ҳақида махсус далолатнома тузилиб, унга корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси ва корхонанинг бош муҳандиси имзо чекадилар.

Корхоналарнинг иш жараёнида жароҳатланиш ва касбий касалликларни камайтириш давлат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, ҳар йили қонун асосида меҳнатни муҳофаза этиш масалаларини ҳал этиш мақсадида, корхоналар раҳбариятлари, меҳнат муҳофазаси бўлимлари мутахассислари ва касаба уюшмалари билан чора-тадбирлар белгилайди.

Касаба уюшмаси низомига асосан фабрика, завод касаба уюшма кўмитаси воситачилигида ҳар йили маъмурият билан ишчи-хизматчилар ўртасида ўзаро меҳнат муносабатлари тўғрисида жамоа битими тузилади. Бу битимда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат қилиши, маданий ва маиший дам олиш тадбирлари ҳақида келишиб олинади.

Тузиладиган битимда меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, меҳнат шароитини яхшилаш масалалари ҳам эътиборга олинади ва бу масалалар маълум тартибга келтирилиб, меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирлари сифатида битимга кўшиб қўйилади.

Чора-тадбирлар режасини касаба уюшма кўмиталари билан келишилган ҳолда корхона маъмурияти тузади. Унда ушбу корхонада ҳозирги меҳнат шароити, касб касалликлари ва саноат корхонасида инсон организмига таъсир қилувчи зарарли омилларнинг мавжудлиги асос қилиб олинади. Бу режа касаба уюшмаси билан келишилгандан кейин ишчиларнинг умумий мажлисида муҳокама қилинади.

Чора-тадбирларга асосан бажарилиши зарур бўлган, иш шароитини яхшилашга олиб келадиган чора-тадбирлар киритилиб, уларни шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга бўлиб қараб чиқиш мумкин:

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари:

Буларга захарли ва енгил алангаланувчи суюқликларни сақлаш жараёнларини механизациялаштириш, ҳимоя мосламалари, тўсиқлар, автоматик ҳимоя воситалари, сигнал мосламалари, масофадан бошқариш асбобларини кўшимча ўрнатиш ва жараённи механизациялаш усуллари ва бошқалар кирази.

Касб касалликларин олдини олиш чора-тадбирлари:

Ишчиларни ҳар хил касбий зарарлар таъсиридан ҳимояловчи мослама, жиҳозлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш, шамоллатиш мосламаларини ўрнатиш ва ўз вақтида таъмирлаш, ҳаво таркибини текшириб

туриш учун асбоб-ускуналар олиш, ўрнатиш, мукаммаллаштирилган машиналардан фойдаланиш ва бошқалар киради.

Меҳнат шароитини умумий яхшилаш чора-тадбирлари:

Бунга меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ёритувчи ва кўргазмали куруллар билан жиҳозланган хоналар, бурчаклар ташкил қилиш, иш жойларини умумий ёритиш, шовқин ва тебранишларга қарши умумий чора-тадбирлар, махсус ечиниш, ювиниш, кир ювиш, кимёвий тозалаш, кийимларни махсус тикиш хоналарини ташкил этиш киради.

Меҳнат шароитини тубдан яхшилаш чора-тадбирларига:

Ишлаб чиқаришда янги технологик жараёнларни татбиқ этиш, корхоналарни умумий таъмирлаш, корхона жамоаси, раҳбарлари, тармоқ вазирликлари ҳамкорлигида меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва санитария-гигиена чора-тадбирларини ишлаб чиқиб тармоқ марказий касаба уюшмалари кўмиталари билан келишилган ҳолда ҳар йили ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Корхонада юз берадиган бахтсиз ҳодисага, унинг биринчи раҳбари ва шу корхонанинг бош муҳандиси бевосита жавобгар ҳисобланади.

3. Меҳнат муҳофазаси қоидалари ва талабларига ўқитиш тизими.

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуннинг **19-моддаси**да қуйидагича ёзилган:

-корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан, раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт;

-маъмурият барча янги ишга кираётганлар, шунингдек, бошқа ишга ўтаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатишни ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт;

-ўта хавфли ишлаб чиқаришга ёки касбий танлов танлаб қиладиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳонлар топшириладиган ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестациядан ўтиладиган ўқув ўтказилади;

-меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриқлар бериш ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади;

-маъмурият ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакасини ошириб борилишини таъминлаши шарт.

“Меҳнат кодекси”нинг 13-боби **215-моддаси**да қуйидагилар таъкидланган:

-ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади;

-иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини таъминлаши ва уларнинг билимларини текшириб туриши шарт.

-меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади;

-мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларининг ишчи-ходимларига, давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари борасида, шу корхоналарнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилган ва улар ушбу соҳа бўйича жавобгар шахс ҳисобланадилар.

Кириш йўл-йўриқларини ўтказиш.

Кириш йўл-йўриқлари - ишга янги кираётганлар учун ўтказилади. Бу йўл-йўриқни беришдан мақсад ишга кираётган кишига меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси ва ишлаб чиқариш гигиенаси ҳамда ёғин хавфсизлиги тўғрисида тўлақонли маълумот бериш, уни корхона ҳудудлари ва цехларидаги тартиб-қоидалардан хабардор қилишдир. Кириш йўл-йўриқлари яхши жиҳозланган ва кўргазмали қуроллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетида ўтказилади, ушбу йўл-йўриқни ишчи-хизматчиларга хавфсизлик техникаси муҳандиси, муҳандис-техник ходимларга эса корхонанинг бош муҳандиси томонидан ўтказилади ва 1-рақамли дафтарга қайд қилинади.

Кириш йўл-йўриқлари бериш вақтида ишга кираётган ишчи-ходимларга қуйидагилар билан таништирилиши шарт:

- корхона ҳақида умумий тушунчалар;
- корхонанинг ички тартиб қоидалари;
- меҳнатни муҳофазаси қонунлари асослари;
- ишлаш ва иш оралиғида ҳордиқ чиқариш;
- корхонада мавжуд хавфли ҳудудлар;
- жиҳозлар ўрнатилган ҳудудлардаги хавфли иш ўринлари, тўсиқлар, муҳофазаловчи ток ўчириш ва сақловчи қурилмалар тўғрисида;
- аёллар ва ёшлар меҳнати ҳақида тушунча;
- давлат, маъмурий ва жамоатчилик назорати;
- бахтсиз ҳодисалар, жароҳатланиш ва касб касалликлари ҳақида умумий тушунчалар;
- ишлаб чиқариш сигналлари ва хавфсизликнинг техник асослари;
- босим билан ишлайдиган қурилмаларни хавфсиз ишлатиш;
- электр токининг инсон организмига таъсири ва ундан ҳимояланиш усуллари;
- ишлаб чиқариш муҳитининг микроклим шароитлари ҳақида тушунча;
- ишлаб чиқариш биноларини шамоллатиш усуллари ва ёритиш турлари;
- ёнғин хавфсизлиги асослари ҳақида тушунча.

Шу билан бирга бахтсиз ҳодиса рўй берганда фуқаро ўзини қандай тутиши ҳақида тушунчалар берилади ва алкоғолли ичимликлар бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабабчи омилларидан бири эканлиги ҳақида айтиб ўтилиши шарт ҳисобланади.

Махсус кийимлар, шахсий муҳофаза воситаларидан, санитария-гигиена хоналаридан фойдаланиш ва жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида маълумотлар берилди.

Иш жойида ўтказиладиган йўл-йўриқлар.

Янги ишга кираётганда, бир ишдан иккинчи ишга, бир машина ва қурилмалардан иккинчисига, бир участкадан иккинчи участкага ўтказилган ишчи-ходимларга гарчи вақтинчалик (ўтказилган) бўлсада, иш жойида ўтказиладиган йўл-йўриқлар берилиши шарт:

- ишчи-ходимларнинг асосий иш жойлари ва иш жараёнлари билан таништириш;

- асосий иш ўринларидаги технологик жараёнлар, ва хавфли участкалар, машина-жиҳозларни тузилиши хавфли жойлари, муҳофаза қурилмалари ва бошқа сақловчи воситалар, уларнинг вазифалари ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳақида батафсил тушунчалар бериш;

- ишга тайёрланиш қоидалари, жиҳозлар ва иш қуролларини хавфсиз ишлашини текшириш, шу жумладан, электр токида ишлайдиган қурилма ва жиҳозларни сақловчи воситаларининг созлигини текшириш, юргизиш-ўчириш асбобларининг ишлаши, ерга уланганлиги, ёрдамчи ва асосий муҳофаза қуролларининг мавжудлиги, улардан самарали фойдаланиш ҳақида амалий маълумотлар бериш;

- иш жараёнида мунтазам фойдаланиладиган муҳофаза аслаҳаларининг вазифалари ва улардан унумли фойдаланиш тартиб қоидалари, иш кийимлари, махсус кийимлар, оёқ кийимларига қўйиладиган талаблар ҳақида тушунча бериш;

- иш ўринларини ташкил қилиш, бунда ишлаб чиқариш учун зарур ва ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотларни хавфсизлик меъёрлари асосида жойлаштириш, иш ўринларини кераксиз чиқиндилар билан ифлослосланишига йўл қўймаслик, йўллар, ўтиш жойлари хусусан иш жойларини тўсиб қўймасликни таъкидлаш;

- транспорт воситалари, кўтариш кранлари ва шунга ўхшаш ускуналарни ишлатиш қоидалари ва бошқа ёрдамчи воситалардан фойдаланишни тартиб қоидалари билан таништириш;

- бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин бўлган иш усулларини қўллашни тақиқлаш ва касб касалликларига олиб келиши мумкин бўлган зарарли муҳит ва зарарли моддалар ҳақида тушунча бериш ҳамда улардан сақланиш усулларини кўрсатиш;

- фавқулодда вазиятлар ҳолати юз берганда, ишчи ходим ўзини қандай тутиши ва атрофдагиларга амалий ёрдам кўрсатиши.

Режали, режадан ташқари, жорий йўл-йўриқлар бериш ва мутахассислар тайёрлаш ва ўқитиш.

1. Режали йўл-йўриқларни ўтказиш вақтини, корхона раҳбари касаба уюшмалар қўмиталари билан келишилган ҳолда белгилайди (3 ёки 6 ойда). Бу йўл-йўриқнинг мазмуни, иш жойида ўтказиладигани билан бир хил

бўлиб, ишчи-хизматчиларнинг лавозими, иш стажи, малакасидан қатъий назар (цех, участка раҳбари) ўтказилади ва 2-сонли дафтарга қайд этилади.

2. Режадан ташқари йўл-йўриқларни технологик технологик жараёнларни ўзгариши, янги машина ва жихозлар ўрнатилиши ҳамда янги материаллардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши, турдош корхоналарда бахтсиз ҳодисалар берганда ўтказилиб, 2-сонли дафтарга қайд қилинади.

3. Жорий йўл-йўриқ ўта хавфли ишларда ишлайдиган, босим остида ишлайдиган идишларда (компрессорлар, газ баллонлари, цистерналар), юк кўтариш кранлари билан, газ ва электр пайванчиларга электр ускуналар билан ишлайдиган ишчи-ходимларга кундалик рухсатнома билан бажариладиган хавфли ишларга иш бошланишидан олдин ўтказилади.

Наряд рухсатлар бош муҳандис, бош механик, бош энергетиклар томонидан берилади. Улар хавфсизлик техникаси бўйича аттестациядан ўтган бўлиб, хавфли ишлар бўйича жавобгар шахс ҳисобланади ва корхона раҳбари томонидан ички буйруққа асосланиб тайинланади.

4. Меҳнат муҳофазасининг умумий иқтисодий масалалари.

“Меҳнат муҳофазаси ҳақида”ги Қонуннинг 11-моддасига биноан меҳнат муҳофазаси ишлари Давлат томонидан молияланади, шунингдек, мулкчилик туридан қатъи назар, корхоналар ва жамоат уюшмалари ҳам ихтиёрий тарзда пул ўтказишлари мумкин.

Меҳнат муҳофазаси учун бюджет ассигнациялари (Республика ва маҳаллий миқёсларда) тегишли бюджетларда алоҳида банд билан кўрсатилади ва бошқарув, назорат органларини таъминлашга, илмий ишларни молиялашга, меҳнат муҳофазаси бўйича Давлат дастурларини бажаришга сарфланади.

Ҳар бир корхонанинг меҳнат муҳофазаси учун ажратадиган маблағ миқдори жамоа шартномасида кўрсатилади. Корхона ходимлари бу мақсад учун ҳеч қанақа қўшимча чиқимдор бўлмайдилар.

Корхоналар ўзларининг хўжалик, тижорий, ташқи иқтисодий ва бошқа хил фаолиятларидан оладиган фойда (даромад)лари ва бошқа манбалари ҳисобидан меҳнат муҳофазаси учун ажратилган марказлашган жамғарма ташкил қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат муҳофазаси учун ажратилган маблағлар бошқа мақсадларга ишлатилиши мумкин эмас. Жамғармани ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби ЎзР Вазирлар маҳкамаси томонидан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг иштирокида белгиланади.

Меҳнат муҳофазасига доир тадбирлар қуйидаги маблағлар ҳисобига таъминланади:

- давлат ва марказлаштирилмаган капитал маблағлар, шу жумладан ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси, ижтимоий-маданий ва уй-жой қурилиши жамғармаси ҳамда корхона жамғармаси;

- агар тадбирлар асосий воситаларни капитал тузатиш билан бир вақтда амалга ошириладиган бўлса-амортизация жамғармаси;

-агар ҳаражатлар капитал ҳаражатлар бўлса-асосий фаолият, цех ва умумҳаражат маблағлари;

-янги техникани жорий этиш ёки ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун банк томонидан бериладиган қарзлар.

Ўта зарарли ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар касалланишининг олдини олиш учун озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш кўзда тутилиб, иссиқ нонушта ёки тушлик тарзида берилади. Бундай мақсад касб касалликларининг олдини олиш ва меҳнаткашлар соғлигини мустаҳкамлашдан иборат бўлади. Бевосита зарарли шароитда ишлайдиган ишчи-хизматчиларга бепул сут ёки унинг ўрнини босувчи бошқа маҳсулот берилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ҳуқуқий-меъёрий асослари етарлича яратилган ва шулар асосида меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни ишлаб чиқилиб, меҳнатни муҳофазасига доир ишлар олиб борилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича ишлар қандай ташкил қилишинади ва унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари нимадан иборат?
2. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича қандай тадбирларни ишлаб чиқилади?
3. Йўриқнома турларини айтинг?
4. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси қоидалари ва талабларига ўқитиш қандай амалга оширилади?
5. Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни амалга ошириш қандай молиялаштирилади?

Уйга вазифа

Ихтиёрий касб эгаларини касбий касалликларни келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, уни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режасини ва уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқинг.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. “Меҳнат Кодекси” Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2005 й., 37-38 - сон.
3. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - Т.: 2002 й.; 1-сон.

4. Рахимова Х., Аъзамов А.,Турсунов Т. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Тошкент. Ўзбекистон. 2003 й.
5. Йўлдошев Ў., Усмонов У., Қудратов О. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Меҳнат, 2001й.
6. «Безопасность жизнедеятельности». Под общей ред. проф. Белова С.В., М., «Высшая школа», 2000.
7. Кукин П.П. и др. «Безопасность технологических процессов. Охрана труда» М. «Высшая школа», 2000.
8. Қудратов О.Қ., Ғаниев Т.А., Сосновский Ю.С. “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги”, маърузалар матни, ТТЕСИ, 2000.